

Зуҳо сураси

05:00 / 23.01.2017 10243

Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Ушбу сураи каримага ҳам ўзининг биринчи сўзи ном бўлиб қолган. Зуҳо-чошгоҳ пайти маъносини англатади. Аллоҳ таоло бу сурани Зуҳо ила қасам ичиб бошлаб, Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ғазаб ҳам қилмаганини ва У зотни тарк ҳам қилмаганини таъкидлайди.

Мана шу сураи кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги ривоятларда келишича, Пайғамбаримиздан бир муддат ваҳий узилиб қолган. Яъни Жиброил алайҳиссалом Қуръон оятларини олиб келмай қолган. Бундан Пайғамбар алайҳиссалом ташвишга тушиб маҳзун бўлганлар. Душманлар эса дарров «Муҳаммаднинг Роббиси унга ғазаб қилди, уни тарк этди», -деб гап тарқатган. Шунда Аллоҳ таоло бу сураи каримани Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзларига хос қилиб нозил қилган. Бу сурада аввалдан охиригача Пайғамбар алайҳиссаломга хитобни, у зотга Аллоҳ таоло қилган марҳаматларнинг саноғини, у зотнинг шарафланишини ва улуғланишини кўрамиз.

Аллоҳ таоло «Зуҳо» сурасини Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадр-қийматлари улуғлигини таъкидлаш учун чошгоҳ ва туннинг сукунатга чўмилиши ила қасам ичиб бошлайди.

Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга охиратда бериладиган нарсалар башорати берилади.

Кейин эса, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам кичикликларида етим бўлганлари, фақир ва зоеъ бўлганлари, Аллоҳ таоло Ўз риояти ва инояти ила бу ҳоллардан олиб чиққани эслатилади.

Суранинг ниҳоясида эса, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга мазкур уч нарса муқобилига уч нарса: етимга меҳрибонлик қилиш, соилга қўпол муомала қилмаслик ва Ўз Роббиси неъматни ҳақида сўзлаш тавсия қилинади.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.

1. Чошгоҳ билан қасам.

2. Сукунатга чўмган тун билан қасам.

Аллоҳ таоло Зуҳо ила ва сукунатга чўмган тун ила қасам ичиб, Ўз қудратининг ёрқин далилларида бўлган икки нарсага эътиборни жалб қилмоқда. Ҳамда шу қасамлар ила келажак оятдаги маънони таъкидламоқда.

3. Роббинг сени тарк қилгани йўқ, сенга ғазаб ҳам қилгани йўқ.

Ушбу ояти карима Қуръоннинг биринчи оятлари нозил бўлганидан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бир муддат ваҳий тушмай қолиб, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳзун бўлганларида, мушриклар Муҳаммаднинг Роббиси унга ғазаб қилди, уни тарк этди, деб гап тарқатганларида раддия сифатида тушгандир. Аллоҳ таоло Ўзининг махлуқотларидан бўлмиш Зуҳо ва тун билан қасам ичиб Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ғазаб қилмаганини ва у зотни тарк ҳам этмаганини таъкидламоқда. Ваҳийнинг бир муддат узилиб қолиши эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга шавқларини яна ҳам ошириш учун бўлган, холос.

4. Ва албатта охират сен учун бу дунёдан яхшидир.

Шунинг учун ҳам Пайғамбар алайҳиссалом бу дунёга ҳеч қизиқмаганлар. Улкан саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд айтадиларки, у зот бўйрада ётиб қолгандилар, ёнбошларига таъсир қилибди, уйғонганларидан сўнг ёнбошларини силаб туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, изн берсангиз, бўйранинг устидан бирор нарсани тўшаб берсак», дедим. Шунда у зот:

«Мен бу дунёда бир дарахт соясида от миниб кетаётган одамга ўхшайман, тезда ўтиб кетаман, соя эса қолади», дедилар.

5. Ва тезда Роббинг сенга ато қилур ва сен рози бўлурсан.

Ҳақиқатда, Аллоҳ таоло у зотга кўп неъматларни ато қиладиким, бошқа бандаларга бунчалик марҳамат бўлган эмас. Шу жумладан, комил инсонлик ишларининг дунёга ёйилиши, динларининг барчадан устун бўлиши, ҳаммани шафоат қилиш этиш ҳаққи ва бошқалар.

6. У сени етим топиб жойлаб қўймадими?

Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом оналари қорнида олти ойлик ҳомила пайтларида оталари Абдуллоҳ вафот этди. Сўнгра олти ёшларида оналари Омина вафот этдилар ва у киши боболари Абдулмутталибнинг тарбияларида қолдилар. Икки йилдан сўнг боболари ҳам вафот этиб амакилари Абу Толибнинг қарамоғида қолдилар. У зот эса Пайғамбар алайҳиссаломни тарбиялаб, ёрдам бериб, ҳимоя қилиб олиб юрди. Қирқ ёшга тўлиб, Пайғамбар бўлганларидан сўнг ҳам Абу Толиб ўзи динга кирмаса ҳам, ҳимоясини давом эттирди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кофирларнинг ёмонликларидан сақлаб турди. Бу ишларнинг барчаси Аллоҳнинг инояти ва тадбири билан бўлган.

7. Ва У сени ҳайрон ҳолда топиб, ҳидоятга бошламадими?

8. Ва У сени камбағал ҳолда топиб, бой қилмадими?

Ҳақиқатда, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч нарсаси йўқ камбағал эдилар. Аллоҳ у зотни бу ҳолдан чиқарди. Энг муҳими-назарларини тўқ қилиб қўйди. Ҳақиқий бойлик шунда. Ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бойлик матоҳнинг кўплигида эмас, балки назарнинг тўқлигида», дерлар.

9. Аммо етимга қаҳр қилмагин.

Яъни, уни хорлама, камситма, ҳаққини ема ва ҳоказо. Ҳадиси шарифда: «Мусулмон оилаларнинг энг яхшиси етимга яхшилик қилувчисидир, энг ёмони эса, етимга ёмонлик қилувчисидир»,– дейилган.

10. Ва аммо «соил»га зажр қилма.

Соил келганда, мусулмон одам–бирор нарсаси бўлса бериши, бўлмаса яхши муомала қилиши керак. Уни жеркиш, унга қўпол муомала қилиш мутлақо мумкин эмас.

11. Ва аммо Роббингнинг берган неъматни ҳақида сўзла.

Аллоҳ таолонинг неъматлари жуда кўп, санаб охирига етказиб бўлмайди. Лекин доим шукурини келтириб юриш зарур. Шукр эса неъматни берувчига мақтов айтиш ва неъматни Аллоҳ кўрсатган йўлда сарфлаш билан бўлади.